

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/1 ✪ 2018



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✪ АСТА NUUZ

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

2018
1/1

Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми

Бош муҳаррир:

А.Р. МАРАХИМОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

А.Р. ХАЛМУХАМЕДОВ – ф-м.ф.д.

Тахрир ҳайъати:

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Одилов А.А. – т.ф.н., доц.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Мардонов Ш.Қ. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мўминов А.Ғ. – с.ф.д.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Каримов Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Менглиев Б.Р. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.н.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Масъул котиб: К. РИХСИЕВ

ТОШКЕНТ – 2018

Комилова Г.Р. Чуст тумани Гова қишлоғи шеvasи фразеологизмлари таҳлили	307
Кулматов Б.Г. Тил таълими замонавий методларининг назарий асослари	310
Қўчқорова М.Х. Х. Тўхтабоев ижодида фольклоризм хилма-хил жиҳатларининг ўзига хос фазилати	313
Маджидова Р.У. Понятие ценностей в аксиологической лингвистике	315
Maksudova N.F. Communicative language teaching in english specific purposes courses	318
Матмуратова Р.З. Комедияда ички конфликтнинг бадиий хизмати	320
Muratova D.M. Idioms are food for thought	323
Низамова Г.Н. Синтез реалистического и постмодернистского письма в романе Г. Свифта «Водоземье»	326
Одилова Г.К. Олам миллий манзараси ва дискурс	329
Омонов Р. ЎзЛиДеП сиёсий партияси расмий веб-сайти фаолияти: таҳлил, муаммо ва ечимлар.....	332
Пидаева Ш.Б. Дистанционное обучение	343
Расулмухамедова Д.З. Ўзбек болалар фольклори ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	347
Ribinskaya E.G. The use of foreign experience and techniques of teaching foreign languages in the national educational standards	351
Salieva S.M. Reducing teacher talk: a student-centered approach to teaching.....	353
Салимова Н.М. Способы выражения диминутива в английском языке.....	356
Сафаров О. Софистика ва таржима.....	359
Сиддикова И.А. Организация проектной деятельности на уроках английского языка	363
Султонова Ш.М. Славян халқлари маданиятида замоннинг лингвокультурологик талқини	365
Умарова М.Б. Ўзбек ва инглиз тилларидаги инсоний кадриятларни билдирувчи сўзларда номлаш жараёнининг лингвомаданий жиҳатлари	368
Умурзоқова М.Э. Сегмент қурилмаларнинг шеърый матнларда қўлланилиши	371
Файзинова М.С. Халед Хоссейни – восточный феномен в Американской литературе	372
Хабилова Р.А. Жаҳон тилшунослигида инструменталликнинг ўрганилиши	375
Хасанов З.Б. Ҳозирги замон паремиологиясининг долзарб муаммолари	378
Хидирова З.П. Технология проведения ролевых игр на занятиях по иностранному языку	380
Shirinoва F.A. What teaching style is the best for student-centric classroom.....	383
Эгамбердиева Г.М. Образлар ўзига хослиги масаласи	385
Эгамова М.Х., Ишниязова Ш.А. Модель нарратопорождения в притче И.Султана «Рыба»	387
Жўрақулов Ф.Н. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органларини модернизациялаш истикболи.....	391
Азимова З. Интеграл педагогик ёндашув – маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш омили сифатида.....	394
Жалолова Ш.М. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги инфинитивнинг морфологик хусусиятлари ва унинг янги талқини.....	397
Салишева З.И. Монологик нутқнинг психолингвистик ва экстралингвистик хусусиятлари тадқиқи доир.....	401

МОНОЛОГИК НУТҚНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ВА ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ТАДҚИҚИГА ДОИР

Салишева З.И.*

РЕЗЮМЕ

Мақолада муаллиф нутқий фаолият, унинг юзага келиши ва шаклланиши жараёни, монологик нутқнинг нутқий фаолиятдаги ўрни ҳақида фикр юратади. Шунингдек, монологик нутқ масаласининг ўзбек тилини ўқитиш методикасидаги ўрганилиши даражаси, монологик нутқнинг психоллингвистик ва экстралингвистик хусусиятлари, унинг диалог ва полилогдан фарқли жиҳатларини ёритиб берган.

Калит сўзлар: нутқий фаолият, монолог, диалог, монологик нутқ, психоллингвистик, экстралингвистик, тил, ўқитиш, методика, матн.

Тил муайян жамоа аъзоларининг асосий мулоқот воситаси бўлиб, жамиятда тафаккур ривожига, илм-фан, маданий-тарихий анъаналарнинг авлоддан-авлодга етказилишига хизмат қилади. Тил нутқ воситасида юзага чиқади. Нутқ тил белгиларининг қоидалар асосида ифодаланаётган маълумот-ахборот талабидан келиб чиққан ҳолда муайян тартибда берилиши бўлиб, артикуляцион, физиологик, рухий, ижтимоий фаолиятлар натижаси ҳисобланади. Шу боис тил ва нутқ масалалари тилшуносликнинг ҳам, психологиянинг ҳам, методиканинг ҳам ўрганиш объекти ҳисобланади.

Бу ўринда фаолият ва нутқий фаолият тушунчаларини шарҳлаб ўтиш керак бўлади. Фаолият сўзига изохли луғатларда “инсон ҳаётининг, унинг воқеликка нисбатан фаол муносабатининг рўёбга чиқиш шакли” деб таъриф берилди[4]. Шахснинг максадлари, дунёқараши, эътиқод-қизиқишлари, эҳтиёж-майллари, шунингдек, кўникма, малака ва одатлари фаолият мотивлари ҳисобланади[3]. Нутқий фаолият инсонлар ўртасидаги муомала жараёни бўлиб, у турли вазиятларда инсонлар ўртасида юзага келадиган мулоқотни таъминлайди. Мулоқот қандай усулда ва қайси воситалар ёрдамида амалга оширишга кўра нутқ фаолияти турларга бўлинади.

Психологларнинг таъкидлашларича, нутқий фаолиятнинг юзага келиши қуйидаги босқичларни камраб олади:

1. Нутқ ғоясининг юзага келиши ва шу ғояни амалга ошириш учун зарур бўлган ироданинг юзага келиш жараёни;
2. Нутқнинг шаклланиш жараёни;
3. Нутқнинг юзага чиқиш, амалга ошиш жараёни [4].

Кўринадик, нутқий фаолият жараёни, аввало, 2 хил рухий кечинма – мулоқотга киришиш истаги ва ва шу истақни амалга оширишга қаратилган ироданинг юзага келишидан бошланади. Мулоқотга киришиш истаги эса сўзловчининг бирор ҳаётий эҳтиёжи таъсирида пайдо бўлади. Ушбу рухий жараёнлар нутқий фаолиятнинг дастлабки – *нутққа тайёгарлик босқичини* ташкил этади.

Нутқ фаолиятининг иккинчи босқичи – *нутқнинг шаклланиш босқичи* бўлиб, у нутқ ғоясининг юзага келиши ва нутқ мақсадини юзага чиқариш учун фикрларни шакллантириш, яъни фикр

ифодаси учун зарур тил воситаларини ажратиб олишдан иборат бўлади. Демак, нутқ ғояси нафақат мулоқотнинг асосий мақсадини аниқлашга, балки унинг йўналишини белгилаш ва шу йўналишга мос келадиган нутқ шаклини танлаб олишга ҳам ёрдам беради. Учинчи босқич *нутқ фаолияти* жараёни бўлиб, у, аввало, оғзаки ва ёзма шаклларга бўлинади. *Оғзаки нутқ* нутқнинг товушли шакли бўлиб, у, шунингдек, оҳанг ва турли имо-ишоралар билан ҳам боғлиқдир. Сўзловчи оғзаки нутқ жараёнида суҳбатдошига ниманидир аниқлаштириш, мантаний ургудан фойдаланиб, маълум бир сўзни алоҳида таъкидлаб кўрсатиши, ўз муносабатини мимика, кўл, кўз, бош ҳаракати билан аниқлаштириши мумкин. Нутқ жараёни нутқни юзага келтирувчилар иштирокидан келиб чиқиб монолог, диалог ва полилог турларига бўлинади.

Бир шахс нутқи *монолог* деб аталиб, мулоқотда иштирок этувчи шахсларнинг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган нутқдир. Икки шахс нутқи эса *диалог* деб аталиб, унда сўзловчи ва тингловчи орасидаги фикр алмашиш жараёни, ўзаро суҳбат, савол-жавобларини ифода қилади. Нутқий мулоқотда иккидан ортик шахслар мулоқоти ҳам мавжуд бўлиб, бундай нутқ тури *полилог* деб номланади. Ушбу нутқ турларининг ҳар бири ўзига хос лисоний ва нолисоний хусусиятларга эга.

Монолог яқка шахснинг нутқи сифатида, диалог икки кишининг суҳбати сифатида, полилог эса бир неча шахснинг ўзаро бевосита мулоқоти сифатида тавсифланади. Диалог ва полилогларда суҳбатда иштирок этувчи шахсларнинг нафақат психологик-рухий ҳолати, балки суҳбат кечаётган вазият, нутқ оқимининг бориши, сўзловчи ва тингловчининг суҳбатдаги ўрни, суҳбат мавзусига эътибори қабилар ҳам катта аҳамият касб этади. Бунда тингловчининг реакциясидан келиб чиқиб нутқ давом эттирилиши ёки қисқартирилиши, ҳатто нутқ мавзуси ўзгартирилиши, тингловчиларнинг диққатини тортиш мақсадида айнан бир гап бир неча марта такрор айтилиши, тингловчи йўналтирувчи саволлар ёрдамида нутқ мавзусини ўз мақсади томон буриши ҳам мумкин. Диалог ва полилогларда мимика, имо-ишора каби экстралингвистик воситалар ҳам катта ўрин тутаяди, ҳатто нутқдаги узилишлар, тўхтамлар, тавтологик такрорлар ҳам муайян мақсадга хизмат қилиши мумкин.

*Салишева З.И. – ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси.

Монологик нутқда эса, диалог ва полилоглардан фарқли ўлароқ, тингловчилар реакцияси фақат тахмин қилинади, имо-ишора, мимика ва бошқа экстралингвистик воситалар нутқда ижобийлик касб этмайди. Жумладан, узилишлар, тўхтамлар, тавтологик такрорлар монологик нутқ турида физиологик ёки лингвистик нуксон сифатида баҳоланиши мумкин.

Қиска мулоқот шакли ҳисобланувчи диалоглардан фарқли ҳолда монологик нутқ муайян мавзу бўйича кенгайтирилган ахборотдан иборат бўлиб, бунда тингловчининг сўзловчи айтмоқчи бўлган фикр ҳақида етарли даражада кенг ва тўлиқ маълумот олиши кўзда тутилади. Бунда сўзловчининг ўзи бераётган ахборотни тўлиқ шаклда, такрорларсиз ва турли ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда баён этиши ўта муҳимдир.

И.И. Антонова ўз тадқиқот ишида монологик нутқнинг ўзига хос жиҳатларидан бири сўзловчи томонидан мантикийлик, изчиллик, синтактик мазмуний ва интонацион бутунликни сақлаган ҳолда фикр ифодаси учун зарур турли лисоний воситалардан фойдаланиб, тил воситаларини алмаштириб туриши эканлигини таъкидлайди [1].

Монологик нутқда диалогик нутқдан фарқли равишда берилётган ахборот оқими мазмунан ва шаклан аввалдан тайёрланганлиги билан фарқланади. Монологик нутқ натижаси нутққа тайёргарлик даражаси, ахборотнинг баён қилиниш шакли, мазмуннинг мантикийлиги, нутқнинг раволиги, мақсадга мувофиқлигига, яъни сўзловчининг билими даражаси ва нутқий маҳоратига боғлиқ бўлади. Монологик нутқнинг энг муҳим белгиларидан бири сўзловчининг тингловчилар диққатини ўз нутқи таъсири доирасида ушлаб туришидир. Бунда ўқитувчи томонидан саволни тўғри қўйиш, ўқувчи жавобини тинглай билиш, зарурият пайдо бўлганда саволлар шаклини ўзгартира олиш, диалогни бошқара олиш асосий аҳамият касб этади.

Монологик нутқ юқори даражадаги коммуникатив бирлик бўлиб, сўзловчининг ўз фикр-мулоҳазаси ва нутқий вазиятдан келиб чиқадиган умумий нутқий фикрлаш фаолиятидир. Ушбу нутқ тури сўзловчидан ўз фикрларини аниқ, ўзаро изчил ва узвий боғлиқликда ифодалаш кўникмаларини талаб этади, шу боис монологик нутқни ўзлаштириш, эгаллаш ҳам кўпроқ меҳнатни талаб қилади.

Монологик нутқнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири узлуксизлик бўлиб, бунда сўзловчи ўзи баён этаётган ахборотни мавзуга йўналтирувчи қўшимча саволлар ёрдамисиз изчил тарзда баён этиши зарур бўлади. Фикр ёйиқ, бир қадар кенгрок ифодаланади, жумлалар онгли равишда танлаб ишлатилади. Дастлаб ахборот мавзуси шакллантирилиши, сўнгра у изчил равишда кенгайтириб борилиши, ахборот сўнгида айтилганлардан хулоса чиқарилиши талаб қилинади. Сўзловчи ўз фикри баёни давомида унинг мантикий изчилигига диққат-эътибор қаратиши, узук-юлук

сўзламаслиги, бунинг учун эса, аввало, режа тузиб олиши керак бўлади. Ниҳоят, ҳар бир монологда баён этилаётган ахборот муайян мақсадга йўналтирилганлиги билан ҳам фарқланадики, бу унинг таъсир кучини, унинг тингловчилар томонидан тўлиқ қабул қилинишини кафолатловчи белгиларидан биридир.

Демак, диалогик нутқдан фарқли равишда монологик нутқнинг муҳим психологик хусусияти унинг узвийлиги бўлиб, бу сўзловчига ўз фикрини мантикий боғлаган ҳолда тўлиқ баён қилиш имконини беради. Монологик нутқда ахборотнинг тугалланган характерга эга бўлиши берилётган ахборотнинг бир-бирига узвий боғлиқ ёйиқ гаплар билан ифодаланишига ва муайян контекст ҳосил қилишига олиб келади. Монологик нутқ контекстуаллиги туфайли у «ўз-ўзидан» тушунарли бўлиши керак, яъни вазиятли диалогик нутқда муҳим роль ўйнайдиган қўшимча лисоний воситаларсиз тушунарли бўлиши керак. Фикрлар ифодасининг кетма-кетлиги, мантикийлиги, тўлиқлиги, боғлиқлиги монологик нутқнинг муҳим хусусиятлари саналади. А.П. Запороженконинг фикрича, айнан «изчиллик ва мантикийлик, фикрнинг тугаллиги ва ўзаро боғлиқлиги монологик нутқнинг контекстуаллигидан келиб чиқадиган муҳим белгиларидан биридир» [2]. Психологларнинг таъкидлашича, монологик нутқ ҳам диалогик нутқ каби муайян мақсадга йўналтирилган ва аниқ вазиятдан келиб чиқадиган бўлиши, яъни ўқувчида тингловчига бирон-бир ахборотни етказиш истаги, хоҳиши пайдо бўлиши керак. Вазият монолог учун бошлангич нукта саналади, сўнгра у секин-аста контекстга айланади.

Монологик нутқ инсонларнинг ижодий фикрлаши билан узвий боғлиқ: ҳар бир шахснинг ўз фикр-мулоҳазалари, эгаллаган билим-кўникмаларини муайян тилда мантикий изчилликда баён эта олиши айнан унинг монологик нутқи даражасига алоқадордир.

Кўринадики, монологик нутқ ниҳоятда мураккаб, серкирра жараён бўлиб, ўзига хос психологик, физиологик, лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларга эга. Монологик нутқ яқка шахс томонидан баён этилаётган воқеа-ҳодиса, нарса ёки шахсни тавсифлаш, тасвирлаш, у ҳақда хабар, маълумот беришга асосланган оғзаки ёки ёзма баёндир. Демак, монологик нутқ асосида боғланишли матн ётади. Кейинги йилларда тилшуносликда матн лингвистикаси бўйича назарий тадқиқот ишлари кўпайди. Ушбу илмий-методик ишларда матннинг лингвистик, стилистик ва социолингвистик хусусиятлари ўрганилмоқда, аммо матн лингвистикаси ва монологик нутқ масаласи ўзбек тилини ўқитиш методикасида ҳали жиддий ўрганилмаган. Шу боис монологик нутқнинг лингвистик, психологик ва экстралингвистик хусусиятларини ўрганиш бугунги кунда ўзбек тили таълимида долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Антонова И.И. Вопросы контроля умений монологической речи учащихся/ Дисс. канд. пед. Наук. – С. 62.
2. Запорожченко А.П. Количественные и качественные характеристики устной иноязычной монологической речи на начальном этапе обучения в языковом вузе// Проблемы обучения иностранному языку, Ч. 1. – Владимир, 1969. – С. 160-161.
3. Мухиддинов А.Ф. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти . Ўқитувчи, 1995. –Б. 4.
4. Тургунов К. Психологик терминларнинг русча-ўзбекча изоҳли лугати. – Т.: Ўқитувчи, 1975. – Б. 6;47.

РЕЗЮМЕ

В статье автор исследует речевую деятельность, процесс возникновения и формирования монологической речи, и определения её места в структуре речевой деятельности, а также степень исследования данного вопроса в методике преподавания узбекского языка путем рассмотрения психолингвистических и экстралингвистических особенностей монологической речи.

Ключевые слова: речевая деятельность, монолог, диалог, монологическая речь, психолингвистический, экстралингвистический, язык, обучение, методика, текст.

RESUME

In the article author analyses speech act, process and formation of monologic speech, and identification of its place in the structure of speech act, level of analysis of this question in methodology of teaching uzbek language through the observation of psycholinguistic and extralinguistic peculiarities of monologic speech.

Key words: speech act, monologue, dialogue, monologic speech, psycholinguistic, extralinguistic, teaching, language, methodology, text.